

## БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕФЛЕКСИВ-ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИНГ РОЛИ

**Одилов Отабек Норбоевич**

**“Жисмоний маданият методикаси” кафедраси**

**Чирчиқ давлат педагогика университети, ўқитувчи**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7646942>

**АННОТАЦИЯ:** Педагогик рефлексия бўлажак ўқитувчиларни мутахассис сифатида такомиллаштириш манбаидир. Ушбу мақолада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида ташкилотчилик компетенциясини ривожлантиришда рефлексив-педагогик усулларнинг роли ёритилган.

**Таянч иборалар:** педагогик рефлексия, ташкилотчилик компетенцияси, мутахассис, конструктив кўникмалар, педагогик технологиялар, когнитив тасаввурлар.

Мамлакатимизда таълим-тарбия самарадорлигини ривожланган хорижий давлатлар қаторида замон талаблари даражасида мунтазам ошириб бориш, юксак маънавиятли ва билимли, етук, баркамол, жисмонан соғлом шахсни таълим-тарбия асосида вояга етказиш учун юксак педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг интеллектуал, касбий, маънавий-ахлоқий сифатларини уйғунликда ривожлантиришни амалга ошириш учун қизғин ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўқув адабиётлар таъминоти, таълим жараёнида ахборот коммуникацион ва илғор педагогик технологияларнинг қўлланилиши, таълим-тарбия ишларининг муваффақияти ўқитувчининг касбий салоҳиятига, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлиб ривожланмоқда.

Ташкилотчилик компетенциясинининг навбатдаги таркибий қисми эмоционал-иродавий компонент бўлиб, ўзида шахнинг эмоционал барқарорлик ва иродавий сифатларини ифодалаб, ушбу компонент бўлажак ўқитувчининг аниқ эмоционал ҳолатларни (ўйинда ютиши ёки ютқизиши) бошқара олиши билан изоҳланади. Эмоционал-иродавий компонент ўзини бошқариш, тартибга солиш, назорат қилишни акс эттирувчи педагогик тажриба жараёнида қатъийлик, ирода, қўшимча ҳаракатларнинг намоён бўлишидир. Ҳиссий соҳа - бу мулоқотда ўзини бошқариш, ташаббускорлик, жасорат, ўз фикрларини ҳимоя қилишдир. Бунда муҳим бўлган ҳодиса, мақсадларни белгилаш эмас, балки уларни қандай қилиб амалга ошириш, мақсадларга ва спортдаги ютуқларга эришиш учун нима қилиши кераклигидир. Қарор қабул қилиш нафақат оқилона асосда алтернатив вариантларни танлаш, балки қарама-қаршиликларни ҳиссий ҳал этиш, фаолликнинг оптимал даражасида фаолиятни амалга ошириш қобилиятини ва барқарорликни англади. Жисмоний соҳада безовталиқ вазиятни тартибга соладиган, ўзига адекват баҳо бера олиш, ўзига ишонч, аниқ бошқариш, эмпатия, жасурлик, очиқлик, қатъиятли атмосферани бошқара олиш қобилиятидир. Вазиятли хавотирланиш шахсий хавотирдан фарқли ўлароқ, бўлажак ўқитувчининг тўғри фаолиятига ёрдам беради, объектив вазиятнинг мотивациявий тенденция билан биргаликда бу зиддиятни конструктив асосга йуналтиради. Адекват ўзига баҳо бериш бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига ўзларининг жисмоний-

физик ресурсларини баҳолашига ёрдам беради, бу ўз навбатида фаол ёки пассив стратегиясини танлашни янада оптималлаштиради.

Ўзига ишониш - бу фаол сгратегияларни амалга ошира олишни қўллаб-қувватловчи омил бўлиб, уларни тўғри муҳит билан таъминлайди. Рефлексив компонентни ташкилотчилик компетенциясининг таркибига киритиш зарурати бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг ўзини тадқиқ қилиш, сабаб-оқибат муносабатларини таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиш, спорт ўйинларида жараёнларни конструктив ҳал этиш мақсадида, тадқиқот усуллари, ўзини ўзи баҳолаш ва тегишли кўникмаларга оид шахс ҳақидаги илмий билимларни эгаллашига боғлиқ. Рефлексив компонент – ўзига ишончнинг адекватлиги, рефлексивлик каби шахс сифатларининг ривожланганлигини ифодалаб, бу педагогик жараёнда ўз шахсини, ҳолатини ва ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик жараёндаги бошқа субъект ҳаракатини, ҳолатини, унинг шахсий ўзига хосликлари қанчалик “акс этиши”ни англашга оид ҳиссий реакциялар ва когнитив тасаввурлардир. Позитив ўзини кузатиш ва ўзини таҳлил қилишнинг бошланиши, шахснинг коммуникатив рефлексив қобилиятидан иборат. Ташкилотчилик компетенциясининг ушбу компоненти назарий, методик билим ва кўникмаларга таянган ҳолда бартараф этишни ривожлантиришни назарда тутди. В.А.Сластенин тадқиқотларига кўра, ақлий ва амалий фаолиятни амалга ошириш олдиндан эгалланган билим, кўникма ва малакалар, аниқ фаолиятни бажариш ёки янги шарт-шароитлардаги фаолият асосида шаклланган назарий тайёргарлигининг таркибий қисмидир.

Рефлексив кўникмалар шахснинг ўзини ўзи назорат қилиш ва баҳолашида кузатилади. Кўплаб сабаблар туфайли рефлексив кўникмалар фарқланади ва энг муҳими, педагогик фаолият натижаларини таҳлил қилиш, натижаларни таҳлил қилишда қабул қилиш меъёр ҳисобланмайди. Ўқитувчининг ижобий ва салбий натижалари унинг фаолияти натижасини аниқлаш учун ҳар доим муҳимдир. Махсус кўникмаларни талаб қиладиган ўз фаолиятини таҳлил қилиш зарурати мавжуд мақсад ва уни амалга оширишнинг қуйидаги вазифалари аниқ белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади:

- ўқувчилар фаолияти мазмунининг қўйилган вазифаларга мувофиқлигини таъминлаш;
- педагогик фаолиятда қўлланиладиган метод, усул ва воситаларнинг самарадорлиги;
- амалий-ташкилий спорт турларида ўқувчиларнииг ёш хусусиятлари, ўйинлар мазмуни ва бошқалар билан мослиги;
- таълим ва тарбиянинг вазифаларини амалга ошириш жараёнида муваффақият ва муваффақиятсизлик, хато ва қийинчиликларнинг сабаблари;
- ўз фаолияти тажрибасининг яхлитлиги ва фан томонидан ишлаб чиқилган мезон ва тавсияларга мувофиқлиги.

Адабиётлар таҳлили ва тадқиқотлар мазмунига таянган ҳолда, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларда ташкилотчилик компетенциясини ривожлантиришда дарс иштирокчилари томонидан намоён этилувчи ҳаракат усуллари тадқиқ этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотимиз доирасида ташкилотчилик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган рефлексив усуллар тушунчасининг мазмуни

аниқлаштирилди: педагогик муносабат субъектларининг ҳаракатларини таҳлил қилиш, ўзини ўзи баҳолаш, ривожлантириш ва ташкилотчилик қобилияти турларини такомиллаштиришга қаратилган усуллардир. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, педагогик рефлексия бўлажак ўқитувчиларни мутахассис сифатида такомиллаштириш манбаларини ўз билими, имкониятларидан излаб топишга кўмаклашади ҳамда унинг ривожланишини таъминлайди.

### References:

1. Боботкова Н.В. Моделирование процесса развития педагогической рефлексии учителя // Современное образование: теория и практика: Сборник научных статей. - Шадринск: ШЛИ, 2007. - 298 с.
2. Слостенин В.А. Педагогика: учеб. пособие для вузов / В.А. Слостенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов; ред. В.А. Слостенин. – 3-е изд., стереотип. – М.: Академия, 2004. - 576 с.
3. Сгонникова Е.М. Развитие конфликтологической компетентности будущих учителей: Дис. ... канд. пед. наук. - Шадринск, 2010. - 201 с.